Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил
20 август
ЧОРШАНБА
№ 67 (12703)

www.th.uz

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

# МУРҒАК ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ДИДИГА МОС

**"Ёшларнинг маънавий оламини болаликдан эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир" деган эдилар Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида. Дарҳақиқат, ҳар қайси гўдак илк бор оламни атрофидаги буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар ёрдамида англайди, уларга меҳр қўяди, қиёфаси онгида бир умр сақланиб қолади. Боланинг улғайиб, ҳаётда қандай йўлдан бориши, касб танлаши, маънавий дунёсининг шаклланишида ҳам ўйинчоқларнинг аҳамияти катта.**



Ҳозир болалар кўпинча чет элда ишлаб чиқарилган, миллийлигимиздан анча йироқ ўйинчоқ ва қўғирчоқларни ўйнаб катта бўлишмоқда. Уларнинг болалар руҳиятига салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги ҳақида руҳшуносларимиз кўп ва хўп гапиришмоқда.

Куни кеча жиянларим билан истироҳат боғига бордик. Улар махсус майдончага тўлдирилган ўйинчоқларни кўриб, ўйнашга тушиб кетишди. Мен ҳам беихтиёр бир ўйинчоқни қўлимга олдим ва бирдан ич-ичимдан фахрланиш ҳиссини туйдим. Чунки у Зангиота тумани Эшонгузар шаҳарчасидаги "MAN JOY TOYS" корхонаси маҳсулоти экан.

Болаларга завқ ва қувонч улашишни мақсад қилган тадбиркор Муҳаммад Мирсоатов 2009 йилнинг кузида мазкур корхонани ишга туширди. Бу ерда дастлаб олти турдаги ўйинчоқлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 70 хил пластик ва юмшоқ ўйинчоқлар, жумладан, машина, уй-рўзғор буюмлари, спорт анжомлари, турли шакл ва ҳажмдаги йиғма ўйинчоқлар тайёрланмоқда.

Корхона маҳсулотлари сифати ва бежиримлиги билан ички бозорда анча харидоргир. 15 кишилик жамоа бир йилда 200 мингта ўйинчоқ тайёрлаяпти. Қувонарли жиҳати шундаки, корхона ишчиларининг ярми шу яқин атрофда яшашади. Бундан ташқари, уч ногирон ва ўн уй бекаси касаначилик асосида ишлайди.

– Ишга кирганимга 2 ой бўлди, – дейди "Маданият" маҳалласида яшовчи Дониёр Собитов. – Шароитлар яхши, билмаганларимни устозимдан ўрганаяпман.

"MAN JOY TOYS" масъулияти чекланган жамияти бу йилдан бошлаб миллийлик акс эттган қўғирчоқ ва ўйинчоқларни юртимиз ички бозорига чиқара бошлади.

– Ҳозир "Матиз" ва "Каптива" автомобилларининг ўйинчоқ шакли тайёрланмоқда, – дейди корхона раҳбари Муҳаммад Мирсоатов. – Яна бир янгилик, корхонада ўзбек тилида сўзловчи қўғирчоқ, "Сўзловчи алифбе" каби ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўраяпмиз. "Сўзловчи алифбе"нинг "тез айтиш", "синовли ўйин", "ўрганамиз", "имтиҳон", "уй ҳайвонлари", "ранглар ва рақамлар" тугмачаларини босиш орқали болажонлар илк билимларга эга бўлишлари мумкин.

**Нозима АРСЛОНОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Маънавият

**Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ шодиёналари сари яқинлаштирмоқда. Бу кунлар шубҳасиз, асрларга татигулик юксалиш ва янгиланишлар даври сифатида тарихга киради. Негаки, истиқлол туфайли халқимизнинг азалий орзулари ушалмоқда. Юртимиз кундан-кунга обод, халқимиз турмуши фаровон бўлиб бораётир.**

# БУГУНИ НУРЛИ, ЭРТАСИ НУРАФШОН ЮРТ

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бу йилги байрам тадбирлари "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этгани қалбларимизни ҳам севинч, ҳам фахру ифтихорга тўлдирмоқда. Қувонарлиси, мустақиллик иноятлари, истиқлол ислоҳотлари самараси диёримизнинг барча ҳудудлари сингари Тошкент вилоятида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда.

**Аввал иқтисод...**

Кейинги йилларда вилоятимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник, технологик ва хом ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид мақсадли дастурлар ижроси юзасидан кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Яқин уч йил ичида вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8 триллион 825 миллиард сўмга етади. Бу 2012 йилга солиштирганда 124,3 фоиз кўп, демакдир. Машинасозлик, металлургия, қурилиш материаллари, электр-техника, кимё ва нефть-кимё соҳаларида янги қувватларни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилаяпти. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали рақобатбардош ноозиқ-овқат, истеъмол товарларини, жумладан, тўқимачилик, тикув, трикотаж, чарм-пойабзал ва фармацевтика маҳсулотларини кенг ассортиментда ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилаяпти. Жорий йилнинг ўзида шу йўналишда 300 дан зиёд мустақил лойиҳа рўёбга чиқарилаяпти. Бу ишлаб чиқариш тармоқларига қарийб 1 триллион 745 миллиард сўмлик ва 90 миллион АҚШ долларилик инвестиция жалб этилади, жойларда салкам 11 мингта янги иш ўрни вужудга келади, деганидир.

Янгийўл туманидаги "SUN WAY BUILD" қўшма корхонаси жорий йилнинг ўтган даврида худди шу дастур шарофати билан ишга тушган 100 та корхонанинг биттаси. Корхона йил бошида хорижлик инвесторларнинг сармояси ва тижорат банкининг кредити ҳисобига чет элдан полипропилен қоплар, картон қоғоздан турли шакл ва ўлчамдаги қутилар тайёрлашда қўл келадиган замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатди. Қурилиш, монтаж ишлари битгач, 100 киши янгидан ишга олинди.

*(Давоми 2-бетда).*

Умумхалқ ҳашари

# КЎТАРИНКИ РУҲ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШДИ

**Ўтган шанба ва якшанба кунлари, бутун мамлакатда бўлганидек, Тошкент вилояти шаҳарлари, туман марказлари, қишлоқ ва шаҳарчалари кўчалари ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бутун вилоят ҳудуди бўйлаб кенг қулоч ёйган умумхалқ ҳашарида 1 миллион 591 мингдан зиёд ҳамюртларимиз фаол иштирок этди. Зеро, ҳар қандай байрамлар арафасида, ўз уйи, кўчаси ва маҳалласини орасталаб, тартибга келтириш ўзбек халқининг азалий ибратли анъанасидир. Бу йилги саъй-ҳаракатлар давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ўтказилганлиги боис, том маънодаги умумхалқ ҳашарига, айтиш мумкинки, катта меҳнат байрамига айланиб кетди.**



Ҳар йили бўлганидек, ҳашар иштирокчилари умумишига иложи борича кўпроқ ҳисса қўшишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, ёшларнинг зарбдорона меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. 939 мингдан зиёд ёш ўғил-қизлар аввалдан белгилаб берилган участкаларда кун бўйи меҳнат қилдилар.

Вилоят умумхалқ ҳашарини ўтказиш штабидан олинган маълумотларга қараганда, ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан ҳақиқатан ҳам катта ишлар қилинди. 8152 гектар умумий майдон тартибга келтирилди, 7826 тонна турли чиқиндилар махсус ажратилган жойларга ташиб кетилди. 4462 километр ариқ ва лотоклар тозаланди, 996 минг туп дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Айниқса, ҳашар иштирокчилари қабристонлар ва муқаддас қадамжоларни орасталашга алоҳида эътибор беришди.

Ҳар бир шаҳар ва туманда ҳашар кунлари ёлғиз кексаларга, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга, ногиронларга алоҳида ҳиммат кўрсатилди. Вилоят миқёсида 930 та ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилаларга, 90 нафар кекса ва ёлғиз қарияларга, шунингдек, 112 нафар ногиронга ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 1024 оила эса яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимизни ҳомийлар ёрдамида таъмирдан чиқарилган уйларда кутиб оладиган бўлди. Ушбу мақсадларга 32,4 миллион сўм маблағ сарфланди.

Одатдагидек, бу йилги умумхалқ ҳашари ҳам "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими фаоллигида ўтди. Мулк шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик ходимларининг бир кунлик иш ҳақи "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ҳисоб-рақамига ўтказилди. Ушбу маблағлар маҳаллаларни ободонлаштириш, ёлғиз кексалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйлари ва бошқа ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни зарур мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминлашга сарфланади.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Имтиёз

# МЕН ҲАМ ТАДБИРКОР БЎЛАМАН

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ёшлар, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Республика Президенти ва ҳукуматнинг қатор фармон ва қарорлари айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, жойларда коллеж битирувчиларига банк филиаллари имтиёзли кредитлар ажратмоқда.**



Маълумотларга кўра, 2013 йилда касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес билан шуғулланишлари учун 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бугун Олмалиқда ўз бизнеси ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни ният қилган ва шу йўсинда тенгдошларини ҳам иш билан таъминлашни режалаштирган ёшлар кўп. Жумладан, Олмалиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис коллежи битирувчиси Шаҳноза Раҳимжонова яқинда "Шоҳиста Шаҳноза" тикув ательесининг филиалини очди. "Тикув ва тикув трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш" йўналишида таҳсил олган бу қиз келгусида 10 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлашни мақсад қилган.

– Бизнес режам асосида "Ипотека банк"нинг шаҳар филиалидан 5 йилга мўлжалланган 5 фоизли кредит олдим, – дейди ёш тадбиркор.

*(Давоми 2-бетда).*

Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

# ҲАЁТНИНГ ИККИ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

**Маъно ва сурат... Аллома аждодларимиз асарларида биз асосан ана шу икки нарса – маъно ва сурат, бошқача айтганда, ботин ва зоҳир масаласига эътибор қаратилганини кузатамиз. "Маъни аҳли маънига, сурат аҳли суратга боқади", дейди Алишер Навоий ҳазратлари.**

*"Кимники инсон десанг, инсон эмас –*
*Шаклда бир, феълда – яксон эмас".*

Сурати билан моҳияти бир бўлмаган киши инсон номига муносиб эмас, дейди улуғ шоиримиз. Аслини олганда, дунёдаги жамики норасоликлар, азалий зиддиятлар ана шу икки тоифа – маъни ва сурат аҳли

*(Давоми 2-бетда).*

Огоҳлик

# ХОТИРЖАМЛИГИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

**Яна саноқли кунлардан сўнг энг улуғ, энг азиз айём – мустақиллигимизнинг 23 йиллигини катта шодиёналар билан нишонлаймиз. Ҳар йилгидек, ушбу қутлуғ сана олдидан қизғин тайёргарлик, улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда.**

Шукрлар бўлсинки, бу она Ватанимиздаги барқарор тинчлик ва осойишталик шарофатидир. Хотиржамлигимиз қадрини кеча маҳалламизда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўтган тадбирда иштирокчилар чеҳрасидаги шукроналик кайфиятида яна бир бор ҳис этдик. Маҳалланинг кекса авлод вакиллари мустақиллигимиз қадрига етиш, тинчлигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш шу азиз юрт фуқароларининг шарафли бурчи эканини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, шу хотиржамлик боис бугун ҳамма ёқтирган соҳаси ва севган касбида эмин-эркин меҳнат қилмоқда. Яна минглаб ўғил-қизларимиз ўзлари танлаган йўналишларда касб-ҳунар эгалламоқдалар.

Лекин, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етмайдиган, унга раҳна солувчи ёвуз ниятли кимсалар ҳам йўқ эмас. Айрим ривожланган ёхуд тараққий этаётган мамлакатлар халқлари бошига тушаётган кулфатларни телевизор, радио ҳамда газеталар орқали бевосита гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари мамлакатимиз аҳли ҳам ёвуз кучларнинг турли ғаразли хатти-ҳаракатлари оқибатидан воқиф бўлган эди. Хайриятки, мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз кўрган тезкор ва қатъий саъй-ҳаракатлар сабаб юз бериш эҳтимоли бўлган мудҳиш ҳолатларнинг олди олинди. Бироқ, бу каби ёвуз кучларга тўла барҳам берилди, дея хотиржам ва лоқайд бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ҳаммамиз доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, воқеликларга холис баҳо беришимиз лозим. Лоқайд одам душмандан хавфли. Шу боис, каттаю-кичик фуқаролик мажбуриятимизни тўғри англаб, шубҳали хатти-ҳаракатларни сезсак, тегишли органларга тезда хабар етказишимиз зарур.

**Маҳмудхон ТОЖИХОНОВ,**
**Зангиота тумани "Обод" маҳалласи фаоли.**

# ТИНЧЛИГИМИЗ – БЕБАҲО БОЙЛИК

**Тинч ва осуда яшаяпмиз. Бунинг сабаби, биринчидан, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли юзага келган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик. Иккинчидан, чегаралар дахлсизлиги таъминлангани ва мудофаа қудратимизнинг юксаклиги. Учинчидан, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ўзаро ҳамкорлик, тенг манфаатдорлик ғоясининг устуворлиги.**

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида шу хулосаларни, хусусан, бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур акс эттириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди. Бундай масъулият, табиийки, энг аввало биз, депутатлар ва зиёлилар зиммасидадир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, яъни унинг таркибидаги қисм ва бўлинмаларнинг жанговар имкониятлари ва куч-қудрати, ҳаракатчанлиги ҳамда уларни бошқариш самарадорлигини оширишга оид саъй-ҳаракатларни бошлаб берганди. Чунки минтақада тез ўзгариб турган ҳарбий-сиёсий вазият шуни тақозо этарди. Бу ишларнинг амалга оширилиши ва Қуролли Кучларнинг замонавий ҳарбий техника билан таъминланиши мудофаа қудратимизни янада мустаҳкамлади. Армиямиз ҳақиқий халқ армиясига айланди.

Мамлакатимизда кенг билим ва тафаккурга, профессионал ва юксак маънавиятга эга, замонавий фикрлайдиган, иқтидорли, жанговар ҳаракатларга тайёр ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Ватан ҳимоячилари куни таъсис этилди. Сержантлар мактаби янги поғонага кўтарилди. Ҳарбий хизмат жараёнида аскарларга машқлардан кейин илм билан шуғулланишга шароит яратилди. Олий ўқув юртларига киришда имтиёз берилаяпти. Бу эса ўз навбатида армиянинг халқ ўртасидаги обрўсини оширмоқда.

Ҳарбий хизматчилар учун уй-жойлар қурилиши, уларнинг оиласи ижтимоий ҳимояга олиниши профессионал жиҳатдан ўқишга, касбига бўлган эътиқодининг кучайишига асос бўлмоқда. Мудофаа ишлари вазирлиги қошида Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши армиянинг халқчиллигини, халқнинг эса ўз армиясига эътиборлилигини таъминламоқда. Ҳарбий хизматга жўнатиш, хизматни тамомлаганларни кутиб олиш чақирув манзиллари ва маҳаллаларда чинакам байрамга айланаяпти.

Ўзбекистон доимо тинчлик тарафдори бўлган. Қолаверса, "Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси" қабул қилиниши бу борадаги сиёсатимизнинг қатъий ва барқарорлигини таъминлаётир.

**Дамир СИДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.**

# «АСР СУВИ» – АСЛ СУВ

**Яқинда пойтахтимиз марказидаги дўконлардан бирига кириб, муздеккина ичимлик харид қилдим. Сувни ича туриб, унинг ёрлиғига кўзим тушди. Ўқисам, маҳсулот ўзимизнинг Паркент туманида ишлаб чиқарилган экан. Шу сабаб салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи "Аср суви" оилавий корхонасида бўлдим.**



Корхона фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлмаганига қарамай, аллақачон ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурибди.

– Туманимиздаги тадбиркорлик ва сервис хизмати касб-ҳунар коллежини битиргач, ишлаб чиқариш билан шуғулланишни ният қилдим, – дейди корхона раҳбари Акмал Ҳожитоев. – Ишни ички бозорни жиддий ўрганишдан бошладик. Шунга кўра, истеъмолчилар учун янги таъм ва кўринишдаги яхна ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Чунки, биз учун энг муҳими истеъмолчилар ишончини қозониш. Одамлар кўча-кўйда, тўй-ҳашамларда корхонамиз ичимликларини ичиб, роҳатланаётганларини кўрсак, қилаётган ишимиздан мамнун бўламиз.

Банкнинг 300 миллион сўм имтиёзли кредити ҳисобига барпо этилган корхонада 10 ишчи кунига 8 минг дона 10 турдаги салқин ичимлик ишлаб чиқармоқда. Олма, апельсин таъмли дейсизми, ёки олча, ноклигини кўнглингиз тусайдими, барчаси муҳайё.

– Кун ёришмасидан ўғилларимни ишларига жўнатаман, – дейди Аҳаджон Асроров. – Президентимиз ёш тадбиркорларга шунча шарт-шароитлар яратиб қўйган бир пайтда булардан унумли фойдаланиш керак-да. 3 ўғлим бор. Каттаси Аҳроржон цех бошлиғи, Акмал корхонага бош-қош, кенжатойим эса техник уста. Технолог келинимнинг ҳам қўлидан анча иш келиб қолган. Хуллас, ҳаммамизнинг ўз вазифамиз бор.

Ҳозир корхона маҳсулотлари Тошкент шаҳри ва вилоятига шартнома асосида етказиб берилмоқда. Келгусида бошқа вилоятлардаги мижозлар билан шартномалар тузиб, маҳсулотни янада кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Яқинда корхонага 5 ва 10 литрли идишларда қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқаришга буюртма тушди.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Маънавият

# БУГУНИ НУРЛИ, ЭРТАСИ НУРАФШОН ЮРТ

Яна бир муҳим жиҳат – инвестиция лойиҳаларининг аксарияти ишлаб чиқариш кам ривожланган тоғли ва тоғолди ҳудудлар ва чекка қишлоқларга тўғри келмоқдаки, бугун Бўстонлиқ, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бўка, Пискент, Оққўрғон туманларининг энг чекка қишлоқлари ҳам жадал саноатлашмоқда, янги, замонавий корхоналар қад ростламоқда.

**Деҳқони бадавлат эл**

Мустақиллик юртимизда пахта яккаҳокимлигига батамом чек қўйди. Энди замонавий ўзбек деҳқони бундай қимматбаҳо саноат хом ашёси етиштириш баробарида, ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, дастурхонларимизга файз-барака бўлгувчи ноз-неъматларни кўпайтириш ҳақида ўйламоқда...

– Бу йил миришкор деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати билан юртимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди, – дейди Янгийўл туманидаги "Ситорахон" фермер хўжалиги раҳбари Анвар Рашидов. – Бу айтишгагина осон. Зотан, давлатимиз раҳбарининг қатъияти, узоқни кўзлаб юритган оқилона сиёсати туфайли юртимиз биринчи навбатда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида залворли қадамлар ташлади. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатимиз ғалланинг бир қисмини ҳатто экспорт қилишдек салоҳиятга эга бўлди.

Истиқлол йилларида вилоятимиз боғбону соҳибкорларининг мева-сабзавот етиштириш имкониятлари ҳам беқиёс кенгайди. Бугун ички бозорларимизда арзон ва сифатли мева-сабзавот, полиз ва картошка каби кундалик зарур маҳсулотлар ҳар қачонгидан сероблиги ислоҳотларнинг ёрқин натижасидир. Вилоятда қарийб 35 минг гектар мевали боғ, 20 минг гектардан кўпроқ узумзор мавжуд. Агар 1991 йил вилоятда ҳаммаси бўлиб 102 минг тонна мева ва узум етиштирилган бўлса, кейинги уч йилдан буён бу кўрсаткич 260 минг тоннадан ошаётир. Мустақилликнинг дастлабки йиллари узум ҳосилдорлиги 56 центнердан ошмагани ҳолда, бугун Паркент, Қибрай, Янгийўл, Зангиота туманларида соҳибкорлар 100 центнердан ошириб узум узмоқдалар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда токзорлар самарадорлигини ошириш ҳамда ички бозорни узум маҳсулотлари билан таъминлаш, узумчилик соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида"ги Қарори асосида туманимиз боғбонлари салкам 2,5 минг гектар лалмикор ерда янги узумзор ташкил қилишди, – дейди Паркент тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи С. Хўжааҳмедов. – Келаси йили яна 1000 гектар токзор ташкил этиш мақсадидамиз. Бу билан туманимизда узум етиштириш камида 30 минг тоннага кўпаяди. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда маҳсулотни қайта ишлаш ва уни ташқи бозорларга олиб чиқиш юзасидан ҳам зарур чораларни кўраяпмиз.

Статистик маълумотларда 1991 йил вилоятда картошка ҳосилдорлиги бор-йўғи 87 центнер бўлгани қайд этилган. Ўтган йиллар ичида бу кўрсаткич 220 центнерга етказилиб, 2,5 баравар ўсишга эришилди.

Мева-сабзавотчиликдаги бундай салмоқли натижалар дала ва боғ неъматларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ҳам кенг йўл очмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йиллари вилоятда мева-сабзавотни қайта ишловчи 12 та корхона фаолият юритган бўлса, сўнгги 10 йил ичида ихтисослаштирилган 30 дан ортиқ корхона ишга туширилди. Бундан 10 йил муқаддам вилоятдаги мавжуд корхоналар ёрдамида 15-20 минг тонна мева-сабзавот қайта ишланган бўлса, бу кўрсаткич эндиликда 100 минг тоннага етиб қолди.

– Фермер хўжалигимизни ташкил қилганимизга етти йил бўлди, – дейди Зангиота туманидаги "Миришкор Сайфуддинова Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари Заҳириддин Сайфуддинов. – Шу қисқа фурсатда 37 гектар боғ яратдик. Кўчатларни дастлаб Европадан келтиргандик. Энди хорижникидан асло қолишмайдиган паст ва ўрта бўйли, эрта ва кечпишар мева кўчатларини ўзимиз тайёрлаяпмиз. Қисқа вақтда юртимиз фермерлари, хонадон ва томорқа хўжаликларига 100 мингдан зиёд шундай ниҳоллар етказиб бердик. Бельгия, Голландия атиргулларининг мана-ман деган навларини етиштирамиз. Беш-олти йил олдин ўзимиз хориждан кўчат сотиб олардик, энди уни экспортга чиқараяпмиз. Ўтган йили шунинг орқасидан 60 минг доллар ишладик. Бу йил охиригача хорижга 100 минг долларлик кўчат сотамиз, деб турибмиз.

– Ҳар ким ҳам қариганда роҳат кўрсин экан, – дейди Зангиота тумани "Обод турмуш" маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган тураржой соҳибларидан Анора Мавлонова. – Янги уйнинг кўркам қадду бастини кўриб, ёшлик йилларим эсимга тушиб кетди. Қишлоғимиз эркаклари хонадонма-хонадон юриб, томшувоқ қилишарди. Бир қиш ўтгач, аҳвол тағин шу эди. Ҳозир бир сўраб кўрингчи, томшувоқ нималигини ёшлар билишармикин. Очиғи, бунақанги ярқираган уйларга шаҳарликлар ҳам ҳавас қилишаяпти. Табиий газ дейсизми, иссиқ сув, совуқ сув дейсизми, бари муҳайё. Бир умр уйим-жойим, болам-чақам деб яшайдиган биз, ўзбек аёлларига бундан ортиқ яна нима керак?

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 23 йиллик тўйи нишонланаётган шу кунларда намунавий лойиҳа асосида қурилган 1050 хонадонга бирин-кетин худди шундай бахтиёрлик шукуҳи кириб бораяпти!

**Орзулари осмон болалар**

Ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб вояга етказишга берилаётган юксак эътибор меваси ҳам шу заминда етиштириладиган ноз-неъматлар сингари жуда тотли. Бинобарин, ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамият ўзининг эртанги истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Келажак бугундан бошланади, деганларидек, жисмонан баркамол, маънан етук, замонавий билимларни чуқур эгаллаган авлодни вояга етказаётган мамлакатнинг эртаси ёруғ, келажаги нурафшон бўлади. Зотан, юртимизда айни вақтда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини, аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшларимиз иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшлар бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз.

Худди шу мақсадда қабул қилинган умуммиллий дастурлар бугун юксак натижа бермоқда. Минглаб замонавий мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу мақсад рўёбига хизмат қилаётир. Айниқса, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришилаётгани диққатга молик.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим-тарбия соҳасига миллий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида қаралаётганидан ҳар қанча қувонсак, фахрлансак арзийди. Масалан, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, вилоятимиздаги 700 га яқин умумтаълим мактаби тубдан янгиланди. Таълим даргоҳларида 350 дан ортиқ янги спорт иншоотлари бунёд этилди ва реконструкция қилинди.

Бугун вилоятимиз аҳолисининг 1,5 миллиондан зиёдини, бошқача айтадиган бўлсак, қарийб 57 фоизини ёшлар ташкил этади. Кишига бир олам қувонч, янгича руҳ ва ифтихор бахш этадиган жиҳат шундаки, баркамол авлод камолоти йўлидаги улкан ғамхўрлик ва эътибор самараси вилоятимиз ёшлари ҳаётида ҳам чуқур из қолдираяпти.

Қаранг, вилоятимиз спортчи ёшларининг 300 га яқини Жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпионлари экан. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган истеъдодли қизларимиз 14 нафарга етган бўлса, 10 га яқин иқтидор соҳиби "Ниҳол" мукофотини қўлга киритган. Ёшлардан 8 нафари фан номзоди, 4 таси фан доктори бўлиб етишди. Етти талаба махсус стипендиялар соҳиби, тўрт ўқувчи эса Менделеев номидаги халқаро фан олипиадаси ғолибига айланди. 2013 йилда ёшларимиздан 5 нафари "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Яна 6 йигит-қиз "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонига эга бўлди. Охирги икки йил давомида вилоят тижорат банклари 1650 ёш тадбиркор, фермер ва ҳунармандга имтиёзли кредит, 300 га яқин ёшларга ипотека кредити, 2 минг 600 дан зиёдига эса истеъмол кредити ажратди. Яна 1741 талаба таълим кредитларидан фойдаланди...

Мустақил юрт ёшлари мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, соғлом ва юксак маънавиятли авлод сифатида майдонга чиқмоқда!

**Шукур МУРОДОВ.**

Имтиёз

# МЕН ҲАМ ТАДБИРКОР БЎЛАМАН

– Пахта мавсумида зарур бўладиган этаклар, шунингдек, тиббиёт муассасалари учун ёток анжомлари тикиб бераяпмиз. Кредит маблағининг маълум бир қисмига 4 та тикув машинаси олган бўлсам, қолгани хом ашё учун сарфланди.

– Коллеж битирувчилари ўз бизнесларини бошлаб, такомиллаштиришлари учун 124 миллион сўм кредит берилди, – дейди банкнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўлими бошлиғи Наргиза Нишонова. – Шунингдек, улар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда савдо воситачилик фаолияти учун кредит олишлари мумкин.

Маълумотларга кўра, агар битирувчи банкдан энг кам иш ҳақининг 100 баравари, яъни 9 миллион 600 минг сўм кредит сўраган бўлса, бунда унинг ота-онаси ёки яқин қариндошларининг кафиллик хати, фуқаролик паспорти, расм ва бошқа тегишли ҳужжатлар керак. Битирувчининг бизнес ғояси банк томонидан ҳар томонлама ўрганилган ҳолда уларга кредит маблағи 1,5 йилдан 3 йил муддатгача берилади. Агар коллеж битирувчиси энг кам иш хақининг 100 баравари миқдорида кредит олмоқчи бўлса, у ҳолда нотураржой биноси ёки енгил автомобиль гаровга қўйилиши талаб этилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Дилафруз ЭГАМБЕРДИЕВА.**

Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

# ҲАЁТНИНГ ИККИ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

ўртасидаги тафовутдан келиб чиқади. Сурат аҳли дунёга берилган, ҳирсу ҳавас қулига айланган, тириклик маъносини яшаб қолиш, дунёнинг бор ҳузур-ҳаловатидан қандай йўл билан бўлмасин кўпроқ баҳраманд бўлишда кўради. Иккинчи тоифага мансуб инсон эса умр моҳиятини бошқача тушунади: Парвардигор одамни дунёни обод қилиш, унинг вужуди ва аъмолида ўз жамолини кўриш учун яратган деб билади. Ва комилликка тинимсиз интилади, қалбини, ботин дунёсини пок тутади, ўз ҳаётини эзгулик ишига, гўзаллик яратишга, бунёдкорликка бахш этади.

Истиқлолнинг аввалиданоқ юртимизда маънавият масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берила бошланди. Республика Маънавият тарғибот маркази ташкил этилди. Мамлакатимизнинг етакчи файласуф олимлари, адабиёт-санъат вакиллари, барча зиёли қатлам намоёндалари марказ ишига жалб этилди. Миллий истиқлол мафкурасини яратиш биринчи галдаги вазифа эди.

"Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унутманг", деган мазмундаги сўзларни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур, деб ўйлайман. Бизнинг маънавий ҳаётимиз ана шу икки асос, икки таянч нуқтанинг устида мустаҳкам туриши лозим..."

Мамлакатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобидан келтирилган ушбу сатрлардан англашиладики, маънавиятни шакллантиришда, миллий истиқлол мафкурасини яратишда ўтмиш алломаларимиз ҳамда Ғарбу Шарқ мутафаккирларининг умуминсоний ғоялари қаторида муқаддас динимиз ақидалари ҳам асос қилиб олинди. Чунки Ислом дини ақидалари асрлар давомида халқимизнинг қон-қонига сингиб, ҳаёт тарзига айланиб кетгандир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу сабабдан ҳам мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллариданоқ диний ақидаларни тиклашга, халққа бу борада эркинлик беришга ҳаракат қилинди. Номигагина ишлаб турган 93 масжид ўрнида кўплаб ҳашаматли жомелар қад ростлади, бугун уларнинг сони икки мингдан, вилоятимизда икки юздан ортиб кетди. Ислом дунёсида довруқ қозонган азиз-авлиёлар, дунё тамаддунига буюк ҳисса қўшган алломаларимиз зиёратгоҳлари обод қилинди. Диний таълим йўлга қўйилди. Яқин ўтмишимизда ҳатто тушимизга ҳам кирмаган улкан имконият: Ҳаж ва Умра зиёратларига кенг йўл очилди. (Бу йил олти мингдан ортиқ юртдошимиз Умра зиёратини ўтаб қайтди. 5200 ватандошимиз Ҳаж зиёратига бориш тараддудини кўрмоқда) Бундай хайрли эврилишлар халқимизнинг руҳини кўтаришга, уларнинг ўз келажакларига, истиқлолга ишончу эътиқодлари мустаҳкамланишига қанчалар кучли таъсир этганини тасаввур қилиб кўрайлик. Бу каби хайрли тадбирлар, Президентимиз таъбири билан айтганда: "Инсон қалбига йўл" топиш муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик табаррук санаси яқинлашмоқда. Йигирма уч йилда оламшумул натижаларга эришдик. Сал кам бир ярим асрлик истибдод натижасида минг йиллик қадриятларидан, тилидан, динидан, қолаверса, миллий ўзлигидан жудо бўлаёзган халқ қисқа муддатда дунёни лол қолдирар даражада улкан эврилишларни намоён этди. Дунёда исбот талаб қилмас шундай ҳақиқат бор: инсон қалбини зуғум билан эгаллаб бўлмайди. Меҳр бериш, севиш, ардоқлаш билангина инсон қалбига йўл топиш мумкин. Бизда ана шу йўлдан борилди: халқ билан тиллашилди, унинг дарди, армонлари тингланди, асрий истибдодлардан жароҳатланган қалбига малҳам изланди. Шу боис халқ ўз раҳнамосига эргашди, унинг азму шижоатига, қатъиятига ишонди.

Дарҳақиқат, маънавиятли халқ енгади, юксак маънавиятга таянган жамият равнақ топади. Юксак маънавият ҳар қандай давлат ва жамиятнинг буюклик белгиси, енгилмас кучидир. Биз қисқа даврда нимага эришган, қандай ишларни амалга оширган бўлсак, бу ич-ичимиздан бунёдкорликка сафарбар этган маънавиятимиз, қалбимиздаги Ватанга меҳр-муҳаббат ҳамда имон-эътиқодимиз самарасидир. Ва биз маънавиятли халқ сифатида ўзлигимизни намоён қилиб, дунё афкор оммаси эътирофи ва эътиборига сазовор бўлиб келаяпмиз.

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

Конференция

# ФАОЛЛИКДА ЎТГАН ЙИЛЛАР ҲИСОБОТИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг "Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажариш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда партия ташкилотларининг вазифалари масалалари"га бағишланган конференцияси бўлиб ўтди.**

Партия вилоят кенгаши ҳамда унинг тафтиш комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари қатнашган анжуманда ўтган беш йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси ва партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлашга оид ишлар сарҳисоб қилинди.

– Ўтган даврдаги пленумларда 40 дан ортиқ масала кўриб чиқилди, – дейди партия вилоят кенгаши раҳбари Сирожиддин Аъзамов. – Бундан ташқари, ижроия қўмита йиғилишларида ташкилий, ички партиявий ва мафкуравий, молиявий-иқтисодий, хўжалик фаолиятига оид 428 та масала ҳал этилди. Депутатлик гуруҳлари ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига 170 та депутатлик сўрови юборди. Беш йил давомида жамоатчилик қабулхоналарига қарийб 3914 та мурожаат тушган бўлса, улардан 85 фоизи ижобий ҳал этилди.

Конференция якунида партиянинг электорат манфаатларига жавоб берувчи дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Семинар

**Республика "Тадбиркор аёл" ассоциацияси вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Аёлларни тадбиркорликка ўқитиш ва уларда корхонани самарали юритиш кўникмаларини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Зангиота туманидаги 30-махсус мактабгача таълим муассасасида "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш" мавзуида семинар-тренинг ташкил этди.**

# ОМИЛКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЯДИ



– Семинар-тренингни ўтказишдан мақсад, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш, – дейди вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Дилбар Айнекова. – Шу йўналишда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга керакли маслаҳатлар берилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилди. Уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликка жалб этишда мазкур семинаримиз ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Икки кунлик тренингда иштирокчилар тадбиркорлик асослари, бизнес-режа тузиш, маркетинг босқичлари, бизнеснинг шакллари бўйича маълумотларга эга бўлишди. Шунингдек, банк ва солиқ идоралари вакиллари билан бўлган учрашувда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги" Қонун билан танишдилар.

– Мен бу йил банк ҳисоб-кредит коллежини битирдим, – дейди Зилола Раҳимжонова. – Энди кредит олиб, тикувчилик бўйича тадбиркорлик фаолиятимни бошламоқчиман. Семинарда ёш тадбиркорларга яратилган имкониятлар билан батафсил танишдим.

Иштирокчилар фақат назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан, уларни амалиётда синаш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Бизнес маслаҳатчиларнинг топшириқларини гуруҳларга бўлинган ҳолда бажариб, тақдимот ўтказишди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан савол-жавоблар, ўзаро муҳокамалар бўлиб ўтди.

Семинарда бўлажак тадбиркорларга оилавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришга бағишланган рисолалар тарқатилди.

**Нигора АМИРОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

# АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўрта Чирчиқ туманининг Янгиҳаёт шаҳарчаси "Юксалиш" маҳалласида "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари" доимий комиссияси туман уй-жой ширкатлари бўлим раҳбарлари билан ҳамкорликда юртимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида давра суҳбати ўтказди.

Унда кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳолининг яшаш шароитлари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари, муаммо ва камчиликлар, болалар майдончаларининг аҳволи, касаначилик учун банкдан имтиёзли кредит ажратиш юзасидан маслаҳатлашиб олинди.

Шу куни аҳоли иштирокида шанбалик ташкил этилиб, кўп қаватли уйлар йўлаги, ҳовлилар тозаланди, дарахтларга ишлов берилиб, гуллар экилди.

**Умида ИСАЕВА.**

Китоб жавонингизга

# ВОСИЛИЙ МЕРОСИ

**Бу муқаддас заминда не-не авлиёлар, фозилу уламолар, олиму алломалар ўтмаган. Уларнинг кўплари бизга маълум бўлгани каби, ҳали биз билмаган аждодларимиз ҳам бор.**

Машҳур испан адиби Сервантес: "Тарих фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўгит, келажак учун эса огоҳлантиришдир", деган эди. Мустақиллик йилларида тарихни, аждодлардан қолган ҳам моддий, ҳам маънавий меросни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки бобокалонларимиз буюк тарихимиз асосчиларидир.

Махдум Восилий ижодий фаолияти ўрганилмаган олимлардан бири.

Истиқлол шарофати билан унинг адабий меросига алоҳида эътибор қаратилди. Шеърлари "Марҳамат илҳомлари" номи билан нашр қилинди. У яшаган кўчага олимнинг номи берилди. Махдум Восилий номидаги "Маънавий мерос маркази" очилди. Марказда олимга тегишли 550 жилдга яқин қўлёзма ва тошбосма асарлар бор.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти магистранти Гулнора Йўлдошеванинг "Махдум Восилий ва унинг адабий фаолияти" мавзуидаги магистрлик диссертацияси асосида, "Наврўз" нашриётида чоп этилган рисолада келтирилишича, Восилий ўз даврининг билимдонларидан бири бўлган. Андижон, Марғилон, Бухорода таълим олган. Унинг ҳаёти ва фаолияти оғир кунларга тўғри келгани сабаб, шеърларини матбуотда эълон қилишнинг имкони бўлмаган. У тарих, табобат, фиқҳ, одоб-ахлоқ ҳақида китоблар яратган. "Мажмаъ ут-таворих" ("Тарихий воқеалар мажмуаси"), "Мажмаъ ул-адвия" ("Даволар мажмуаси"), "Мажмаъ ул-масоил" ("Масалалар мажмуаси") каби қатор китобларида олим Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқлари, уларнинг номланиш тарихи, турли касалликларга қарши ўз тажрибалари, урф-одатлар, мавжуд муаммоларнинг шариат юзасидан ҳал этилиши ҳақида ёзади. Афсуски, унинг араб тили грамматикасига оид "Шарҳи бидон" ва "Заруриёту Маҳмудия" каби асарлари тугалланмай қолди. Унинг одоб-ахлоқ, мустабид тузум манзаралари, Ватан ва меҳнат, фалсафий, ишқий, диний мавзуларда 120 га яқин шеърлари бор. Уларда соф муҳаббат, дўстликка садоқат, ҳалол меҳнат тараннум этилган. Бироқ, шоир шеърларини чоп этишни истамаган. Чунки, айрим шеърлари танқид қилиниб, тазйиққа учраган.

Бир шеърида у андижонлик ҳамда марҳаматлик пахтакорларнинг муваффақиятини мадҳ этган. Ушбу шеър ўша пайтдаги вилоят газетасида босилгач, уни чоп этганлар қаттиқ сўроқ қилинади. Бу хилдаги муносабатлардан чарчаган Восилий матбуотдан узоқроқ юришни маъқул кўради.

Юқоридаги рисолада Восилийнинг ишқий, фалсафий, диний-ахлоқий қарашларга оид шеърлари таҳлил қилиниб, мазмун-моҳияти очиб берилган. Шоир шеърларида ички кечинмаларини жуда таъсирчан ифодалаганки, воқеа-ҳодисалар китобхон кўз ўнгида яққол гавдаланади. Бундан ташқари, шоирнинг илмий ва адабий мероси аниқ ёритилган.

Айтиш керакки, Восилий асарлари ва шеърлари орқали кишиларни Ватанни севишга, ҳалол меҳнат қилишга, камтар ва олижаноб бўлишга ундаган.




**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Футбол

# «ЯНГИБОЗОР» ҒОЛИБЛАР САФИДА



**Гулистон шаҳрида анъанавий "Футболимиз келажаги" кубогининг минтақавий республика босқичи мусобақасининг "Г" гуруҳи ўйинлари бўлиб ўтди.**

Пойтахт ҳамда Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларидан келган 9-10, 11-12 ёшдаги болалар ва 13-14 ёшдаги ўсмирлар жамоалари ғолиблик учун курашишди.

11-12 ёшдагилар учрашувларида Юқори Чирчиқ туманидаги "Янгибозор" маҳалласи вакиллари ғолиблар қаторидан жой олишди. Чиноз туманининг "Афғон" жамоаси футболчилари учинчи ўринни эгаллашди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

Оққўрғонликлар ташаббуси

# СОҒЛИК ТИЛАСАНГИЗ, ЮГУРИНГ



**Шу йил Оққўрғон туманидаги "Умид ниҳоллари" масъулияти чекланган футбол клуби раҳбари Нурмуҳаммад Нодиров ташаббуси билан футбол бўйича катталар ўртасида туман биринчилиги мусобақалари қайта тикланди.**

**Гап шундаки, ўн йиллар бўлдики, ўз вақтида анча шаклланган ушбу мусобақалар нафақат Оққўрғон, балки бошқа туманларда ҳам тўхтаб қолган эди. Тумандан 17 жамоа иштирок этган биринчилик ўйинлари июль ойининг охирларида якунланди.**

Финал учрашувида Султонобод қишлоғи ва "Қўрғонча" маҳалласи жамоалари рўбарў келди. Қизғин курашлар остида ўтган мусобақада султонободликларнинг қўли баланд келиб, туман биринчилиги ғолиби бўлишди. Сегизбоев қишлоғи жамоаси фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақаларнинг кўпини 400 нафаргача футбол ишқибозлари бевосита ўйингоҳларга келиб, томоша қилишганидан руҳланган Нурмуҳаммад Нодиров энди шундай мусобақаларни тумандаги корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳам ташкил этиш учун елиб-югурмоқда.

Таъкидлаш жоизки, оққўрғонликлар турли спорт мусобақаларини ташкил этиш, кексаю ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва экологик мусаффоликни ташвиқот-тарғибот қилиш масалаларида бошқа туманлар аҳлига нисбатан анча фаоллар. Бунда тумандаги энг фаол жамоатчи, нафақат болалар ва ёшлар, балки катталар ўртасида ҳам спортнинг бир қатор турларини оммалаштириш, шунингдек, соф экологиянинг чинакам жонкуяри Халил Қаршибоевнинг ҳиссаси катта. Мана ўн йилдирки, унинг ташаббуси ва бевосита ташкилотчилигида кексаю ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам югуриш машқларини уюштириш йўлга қўйилган. Ушбу тадбирлар қандай самара бераётгани ҳақида Х. Қаршибоев шундай ҳикоя қилади:

– Биз, спорт-соғломлаштириш ишлари ишқибозлари югуриш машқларини уюштириш билан чекланиб қолмадик. 2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилингани муносабати билан туманнинг ёши 40 дан ошган фуқаролари ўртасида ўрта масофаларга югуриш мусобақаларини ташкил эта бошладик. Дастлаб саккиз-ўн эркак қатнашган бўлса, кейинчалик аёллар ҳам иштирокчилар сафига қўшилишди. Ҳозир мусобақаларда 15 нафаргача кекса ёшдаги аёллар, 60 дан зиёд 70-85 ёшдаги эркаклар қатнашмоқда.

2010 йилдан бошлаб ушбу тадбирларимиз жараёнида атроф-муҳитни озода сақлаш, она табиатимизни жамоатчилик йўли билан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тарғибот-ташвиқот олиб бораяпмиз. Бу саъй-ҳаракатларимиз 2013 йилнинг охирларига келиб қандай самара берганини биргина Калияс қишлоғи мисолида кўриш мумкин. Бошқа қишлоқларда 65 ёш атрофидаги 16 нафаргача эркак касалликка чалиниб, вафот этган бўлса, Калиясда бирорта ўлим бўлмаган. Бунинг сабаби оддий. Калияс қишлоғидаги кўплаб эркаклар учун эрта тонгда туриб югуриш одат бўлиб қолган. Бошқача айтганда, фахрийлар ўртасида туман миқёсида ўтказилаётган мусобақалар иштирокчиларининг 70-80 фоизи султонободликлар бўлса, уларнинг 70-80 фоизи калияслик фахрийлардир.

Биз аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, экологик тозаликка эришиш ва табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларимизни ўзбилармончилик билан эмас, балки республика ва вилоят ЭКО ҳаракати, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан доимий алоқада бўлган ҳолда ўтказмоқдамиз. Соғлом бола йилида мусобақалар ташкил этишни кучайтирдик. Жумладан, аҳоли ўртасида ўткинчи ҳою-ҳавас ва турли юбилею тадбирларга беҳуда маблағ ва вақт сарфлаш ўрнига, марҳум яқинлари руҳини шод этиш учун оммавий спорт турлари бўйича хотира турнирларини ўтказиш ҳақида тушунтириш ва тарғибот олиб бораяпмиз ва мақсадимизга муайян даражада эришаяпмиз ҳам.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ҳаёт сабоқлари

# ҚАДР

Хона эшиги очилиб, супурги, челак кўтарган Жамила ичкарига кирди. Жувонни кўрган Зулфизарнинг кўнгли увушди. "Яна дийдиёсини бошлайди", деган ўй ўтди хаёлидан.

Аслида Жамила ёмон аёлмас. Бироз сергапроқ. Зулфизарнинг акаси билан қўшни турадиган бу аёл касалхонада фаррош бўлиб ишлайди. Уч кунда бир навбатчиликка келиб кетади. Ўтган сафар келганида сингилга акасининг уйида бўлиб ўтган йиғин ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берганди. Чин айтдими ёки бироз бўрттирдими, жувоннинг сўзларини эшитган Зулфизар анча вақт сиқилиб юрди.



Уч ойда икки марта касалхонада даволанди. Буйраги тез-тез безовта қилаяпти. Олдинги ётганида ҳам акаси бирров хабар олмаганди. Мана бир ҳафта бўлди, яна даволанаяпти, акаси эса синглиси борлигини хаёлига ҳам келтирмайди.

– Навбатчиликка келибсизда, Жамила опа, – кўришгани қўл чўзди Зулфизар.

– Тузук бўлиб қолдингизми, синглим, – каравот четига омонат чўкди фаррош аёл.

Элликдан ошган опанинг чаққон ҳаракатларини, ишининг саранжом-саришталигини кўриб, Зулфизарнинг ҳаваси келди.

– Ҳа, айтганча, – деди Зулфизарга. – Кеча акангизникида қизлари йиғилди. Қўй сўйишиб, калла-почасини пиширишибди. Кечга томон набирамни кўтариб чиқсам, бир уй одам. "Яна нима йиғин қилаяпсизлар", десам янгангиз: "Қизларим куёвлар билан келишган экан" деб қўя қолди. Кечгача ўтиришди. Кабобнинг ҳиди бутун маҳаллани тутди. Акангиз қизларини жуда яхши кўради-да.

Бор янгиликлардан ҳаммани бохабар қилиб, хонани чиннидек тозалаб бўлган Жамила опа: "Кейин кирарман" деб супурги-челагини кўтариб, чиқиб кетди. Яна хонага жимлик чўкди. Зулфизарнинг дили оғриди. Фаррош аёлнинг: "Қўй сўйишибди" деган гапини эшитиб, юраги чилпарчин бўлди. Онаси раҳматлининг: "Қорнимгамас, қадримга йиғлайман", дея куйиб-ёнишларини энди-энди тушунаётганди. Эсида, шу акасига уй солишаётганида ота-онаси ёнида туриб, лой қориб, гувала ясаганлари, беш жиянини опичлаб, катта қилганлари, эҳ-ҳе, озмунча меҳнати сингганмиди?! Акаси ўтган кунларни унутган чоғи, жигаридан хабар олишга ярамайди.

Зулфизар адоғи кўринмайдиган ўй-хаёллар гирдобидан қутулиш учун ўрнидан турди. "Ахир гулдек оилам, шириндан-шакар ўғил-қизларим бўлса, шуларнинг шукрини қилишим керак. Меҳрсиз, оқибатсиз акамга эса Аллоҳнинг ўзи инсоф берсин" деб безовта кўнглини тинчитган бўлди.

– Қаерга кетаяпсиз?, – сўради ҳамхонаси.

– Зерикиб кетдим, тоза ҳавога чиқай, – деди қароқларига қуйилиб келаётган ёшни аранг ютиб. Бўсағага етганда ҳамхонаси Сайёрани кўргани келаётган акасига рўбарў бўлди. Бир-бирига талпинаётган ака-сингилнинг юзидаги табассум, нигоҳидаги меҳрни кўриб, Зулфизар энтикди. Ўзини уларга солиштирар экан, юрагига сим-сим оғриқ кирди.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**




### ФЕРГЮСОНДА ТАРТИБСИЗЛИК

**Илгари хабар қилинганидек, АҚШнинг Миссури штатидаги Фергюсон шаҳрида 18 ёшли қора танли ўсмир Майкл Браунни полициячилар отиб ўлдиришгач, мамлакатда норозилик акциялари бошланган эди.**



Reuters агентлигининг ёзишича, ушбу норозилик чиқишлари яна жонланган. Полиция митинг иштирокчиларига қарши тутун чиқарувчи гранаталарни қўллашга мажбур бўлди.

Маълумотларга кўра, кўчада камида 400 киши намойиш уюштириб, қотил полициячининг исм-шарифини айтишларини талаб қилди. Тартибсизликлар пайтида митинг иштирокчиларидан бири ўқотар қуролдан яраланди, дея хабар тарқатди The Los Angeles Times газетаси. Полициячилар ярадорга яқинлашган пайтда уларнинг хизмат машинаси ҳам номаълум кишилар томонидан ўққа тутилди.

Миссури штати губернатори Жей Никсон фавқулодда ҳолат эълон қилиб, комендантлик соати жорий этди. АҚШ президенти Барак Обама адлия вазирлиги ҳамда федерал бюродан ўсмирнинг ўлими юзасидан тергов олиб борилишини талаб қилди.

### ЭРОНДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

**Эроннинг Ироқ билан чегарадош ҳудуди яқинида 6,3 магнитуда куч билан зилзила юз берди.**



AFP агентлиги АҚШ геология хизмати маълумотларига таяниб, шу хабарни тарқатди. Ер ости силкинишларининг эпицентри Абданан шаҳридан 36 километр масофада, ўчоғи эса ўнлаб километр ер қаърида бўлган. Ҳозирча жабр кўрганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида хабар тарқатилмади.

Эронда бундан аввалги кучли зилзила ўтган йилнинг апрелида кузатилганди. Ўшанда 7,8 магнитуда куч билан ер силкингани оқибатида Эрон ва қўшни Покистон мамлакатларида 40 киши қурбон бўлганди.

### БАНК ХОДИМИ ГУМОН ҚИЛИНАЯПТИ

**Малайзиянинг ҳалокатга учраган "Боинг-777" самолётидаги йўловчилар пулини ўғирлашда гумон қилинаётган банк ходимаси ҳибсга олинди.**



Шу ҳақда хабар тарқатган Bernama агентлиги ўғрининг исм-шарифи ҳамда кредит муассасасининг номини ошкор этмади. Тергов ишлари хулосасига кўра, 35 минг АҚШ доллари миқдоридаги ўғирланган пулнинг ҳаммаси битта ҳисоб-рақамига ўтказилган. Кейин эса, бир нечта банкоматлар орқали бу маблағлар нақд пулга айлантирилган. Маълум бўлишича, ўша аёл ҳибсга олинишидан аввалроқ банкнинг янги карточкасига эга бўлган ва пулларни айнан шу карточка орқали ўзлаштирган.

Қизиғи шундаки, шу йил 8 март куни Куала-Лумпур шаҳридан Пекин сари парвоз қилган "Боинг" самолётининг 227 йўловчиси ҳамда 12 нафар экипаж аъзосининг тақдири ҳамон номаълум. Авиалайнернинг ҳалокат изини аниқлашга ҳанузгача муваффақ бўлингани йўқ.

### БЕЗГАК АВЖ ОЛИШИ МУМКИН

**Либерия шифохоналаридан бирига Эбола безгаги вирусига чалингани учун ётқизилган беморлардан 17 нафари қочиб кетди.**



AFP агентлигининг ёзишича, мамлакат пойтахти Монровидаги ушбу шифохонага бир гуруҳ қуролланган кишилар бостириб киришган. Оқибатда Эбола безгагига учраган 29 хастадан 17 нафари қочиб кетган. Воқеани кўриб турган бир аёл ҳужум қилганлар хона эшигини синдириб кириб, қўлга илинган нарсаларни олишганини айтди. Маҳаллий маъмуриятнинг гапига кўра, улар кўрпа-тўшакларни ўғирлаб кетишган. Энди маъмурият хавфли безгак вируси ўша кўрпа-тўшаклар орқали бошқа ҳудудларга ҳам кенг ёйилишидан хавотирга тушмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бугунги кунгача ушбу хавфли вирусни юқтирганлар рўйхати 2127 кишига етган. Шулардан 1145 нафари фожиали ўлим топди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Экологик маданият

# АЙБНИ ЎЗИМИЗДАН ҚИДИРАЙЛИК!

Шифохонада даволаниб чиққан Раҳмат отанинг энди нафаси қисмайди, уйқуси ҳам меъёрида. Лекин бугун тонгда негадир бўғилиб уйғонди. Очиқ деразадан доимгидек тоза ҳаво эмас, буруқсаб тутун кирарди. Бирор ерга ўт кетди, деган хаёлда ҳовлига чиқиб, атрофга кўз югуртирди. Қуюқ тутун қўшни ҳовлидан келарди. Қўшнининг эшигини тақиллатди. Остонада келин пайдо бўлди.

– Уйингиздан тутун чиқаяпти, тинчликми? – деб сўради хавотир билан.

– Хас-чўп ва молларнинг чиқиндилари кўпайиб кетибди, шуларни ёқаётган эдим, – деди аёл бамайлихотир.

– Бу соғликка зарар-ку, қизим, кўча ҳам тутунга тўлиб кетибди, тез ўчиринг. Чиқинди йиғадиган машина келса, ортиб юборарсиз.

– Ёқсам ўзимнинг ҳовлимда ёқаяпман, – деди келин эшикни қарсиллатиб ёпиб.

Раҳмат ота йўтала-йўтала уйига кирди, нафаси қисиб, айвондаги гиламга беҳол йиқилди. Унинг астма касали яна хуруж қилди...

Тиббиётнинг исботлашича, ҳавонинг ифлосланишига қарши чоралар, ёқилғининг тоза ва хавфсиз турларидан фойдаланиш ўпка касалликлари ва шу билан боғлиқ ўлим ҳолатларини камайтирар экан. Лекин одамлар бирор дардга чалинсалар: "Экология бузилиб кетди, шу таъсир қилган", деб ҳамма айбни табиатга ағдаришади. Аслида экологиянинг ўзгаришига ким айбдор?

Энди ўзимизга четдан бир назар солайлик. Биз ҳар бир хатти-ҳаракатимиз учун масъулмиз, ҳаётга шунчаки яшаш учун келмаганмиз, ҳар биримизнинг ўз вазифамиз, мажбуриятларимиз бор. Тўғри, моддий фаровонликни исташ ва унга эга бўлиш яхши, албатта. Лекин булар табиатни ифлослантириш, атроф-муҳитга зарар келтириш ҳисобига бўлиши керак эмас-да?!

Кундан-кунга ёмонлашиб бораётган экология турли касалликларни келтириб чиқараётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, касалликларнинг 24 фоизи атроф-муҳитдаги зарарли омиллар таъсири натижасида пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари, дунёда 5 ёшдан кичик ҳар учинчи боланинг касал бўлиши ва ҳар йили 13 миллиондан зиёд кишининг бевақт вафот этиши кузатилмоқда. Табиатга бўлган муносабатимиз ўзгармас экан, бу рақамлар йилдан-йилга ортиб бораверади.

"Болалигимизда ариқдан сув ичардик, унга бирор нарса ташлашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди, оқаётган тиниқ сувда ўз аксимизни кўрардик", деган гапларни кексалардан кўп эшитганмиз. Бугунчи? Ҳозирги ариқларимизга қарасак нимани кўрамиз? Уюм-уюм ахлату, балчиқ босган ўт-ўланлар ва чиқиндиларни... Бундай ариқлардан сув ичиш тугул, қўл ювишга юрак бетламайди.

Дунёда истеъмолга яроқли тоза ичимлик суви камайиб бораётган бир пайтда оқар сув ва ариқларга шундай муносабатда бўлишимиз жуда ачинарли ҳол, албатта. Ифлосланган атроф-муҳитнинг инсонлар соғлиғига, ҳаёт тарзига, умуман, жонзоту ўсимликлар дунёсига зарарли таъсирини бартараф этиш, тупроқ, ичимлик суви, ҳавони асраш, яшаш ва иш жойларида тоза экологик муҳит яратиш фақат тиббиёт ходимларигагина эмас, балки барчага тааллуқлидир. Бу ҳар бир шахснинг тарбиясига, экологик ва ички маданияти, табиатга муносабатига бевосита боғлиқдир.

– Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни бугунги долзарб муаммоларни ҳал этишни таъминлайди, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали раҳбари Камола Тўлаганова. – Қонун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида аҳоли иштирокининг кучайишига мустаҳкам замин яратади.

Энди қуйидаги рақамга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, атроф-муҳит билан боғлиқ хавфларни камайтирсак, бир йилда тўрт миллион боланинг ҳаётини сақлаб қолишимиз мумкин экан. Бу бажариш мураккаб ва оғир бўлган вазифа эмас, ҳамманинг қўлидан келадиган оддий иш. Бунинг учун экологик маданият ва озгина ҳафсала керак холос.

**Нозима АРСЛОНОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Хуршида ТУРСУНБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-674. Адади 8518. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10.